

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКАРОВ НУРБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА *INULA HELENIUM* L. ВА *INULA
SALICINA* L. ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Кучкаров Нурбек Юлдашевич

Интродукция шароитида *Inula helenium* L. ва *Inula salicina* L. турларининг
биоэкологияси.....3

Кучкаров Нурбек Юлдашевич

Биоэкология видов *Inula helenium* L. и *Inula salicina* L. в условиях
интродукции.....21

Kuchkarov Nurbek Yuldashevich

Bioecology of species *Inula helenium* L. and *Inula salicina* L. under conditions of
introduction.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....42

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/27.02.2020.B.01.15
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

КУЧКАРОВ НУРБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**ИНТРОДУКЦИЯ ШАРОИТИДА *INULA HELENIUM L.* ВА *INULA
SALICINA L.* ТУРЛАРИНИНГ БИОЭКОЛОГИЯСИ**

03.00.10 – Экология

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2021

Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/B343 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рахимова Тўраҳон Узақовна
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Сафаров Каримджон Сафарович
биология фанлари доктори, профессор

Махмудов Азизбек Валижонович
биология фанлари номзоди, катта илмий ходим

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/27.02.2020.B.01.15 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «27» август соат10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Ўзбекистон Миллий университетининг Биология факультети биноси, 2-қават, 203-хона. Тел.:(+99871-246-67-72).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (69-рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100174, Тошкент ш., Олмазор тумани, Университет кўчаси 4-уй, Тел.:(99871-246-67-72).

Диссертация автореферати 2021 йил «12» август куни тарқатилди.

(2021 йил «12» августдаги 4 рақамли реестр баённомаси).



Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, биология фанлари доктори, профессор

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, биология фанлари номзоди, доцент

Рахимова Ташханим Тўймухамедовна
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, биология фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасидаги турли касалликларни даволаш ва олдини олишда кимёвий дори воситаларига бўлган талабнинг ошиши билан бир қаторда доривор ўсимликларга бўлган эҳтиёж ҳам кескин ортиб бормоқда. Замонавий тиббиётда доривор ўсимликлар катта аҳамиятга эга бўлиб, кимёвий дори воситаларига нисбатан организмга ижобий таъсир этиши билан ажралиб туради. Доривор ўсимликлардан фойдаланишда уларнинг табиий заҳираларининг меъёрсиз даражада йиғиб олиниши турлар популяциялари қисқаришига сабаб бўлмоқда. Доривор ўсимликларнинг табиий ҳолда ўсувчи заҳиралари чекланган бўлиб, уларни муҳофаза қилиш, интродукция шароитида етиштириш долзарб аҳамият касб этади.

Жаҳонда турли экологик муҳитларда тарқалган доривор ўсимликларнинг биологик, экологик, биокимёвий, анатомик, физиологик хусусиятларини ўрганиш, глобал иқлим ўзгаришлари кечаётган ҳозирги вақтда доривор ўсимликларнинг интродукция шароитларига мослаштириш хусусиятларига қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада доривор ўсимликларни муҳофаза қилишда турли экологик шароитларга мослашган маҳаллий истиқболли турларнинг хусусиятларини аниқлаш, етиштириш ва кўпайтириш усулларини ишлаб чиқиш, айниқса ҳозирги вақтда қисқариб бораётган доривор турларни биоэкологик хусусиятларини ўрганишга бағишланган тадқиқот ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Ҳозирда Ўзбекистон флорасида тарқалган ўсимликларни муҳофаза қилиш, айниқса табиий ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни интродукция шароитида етиштириш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “касаллик ва зараркунандаларга чидамли, маҳаллий ер-иқлим ва экологик шароитларга мослашган қишлоқ хўжалиги экинларининг янги селекция навларини яратиш ва ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича илмий-тадқиқот ишларини кенгайтириш”¹ вазифалари белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Тошкент адирлари шароитида истиқболли доривор ўсимликларни кўпайтириш учун уларнинг биологик, морфологик, экологик, анатомик ва физиологик мослашиш хусусиятларига бағишланган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947 – сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги Фармони, 2020 йил 10 апрелдаги ПҚ-4670-сон “Ёввойи ҳолда ўсувчи доривор ўсимликларни муҳофаза қилиш, маданий ҳолда етиштириш, қайта ишлаш ва мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорини ҳамда мазкур

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017-йил 7-февралдаги ПФ-4947 – сонли “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги”ги Фармони.

фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур илмий-тадқиқот иши республика фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Дунёнинг кўплаб давлатларида доривор ўсимликлардан турли касалликларнинг олдини олиш ва даволашда ишлатиладиган биологик фаол моддаларни ажратиб олиш, турларни интродукция шароитида етиштириш, улардан оқилона фойдаланиш каби йўналишларда илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Мазкур соҳада дунёнинг етакчи илмий марказлари олимлари, жумладан: J. Wang, Y.M. Zhao, C.Y. Guo (2012) *I. helenium* турининг илдиз экстракти биологик фаол моддаларнинг бой манбаи эканлиги, хусусан инулин, полисахарид, фруктоолигосахаридлар, флавоноидлар сақлаши, S. Amin, Z.A. Kaloo (2013) тадқиқотларида эса эфир мойининг асосини галенин, лактонлардан алантолактон, изоалантолактон ҳамда алантокислоталар ташкил этишини аниқлашган. Malarz (2010) *I. helenium* илдиз ва илдиз пояси баъзи бир грамм-мусбат ва грамм-манфий бактериялар ва *Candida* турларига ҳамда микробларга қарши фаол эканлигини аниқлаган.

МДХ миқёсида олиб борилган тадқиқот ишларида жумладан: Д.А. Коновалов, Ш.И. Хубнева (1997) баланд бўйли андиз ўсимлигидан тайёрланган препаратлар патоген микроорганизмларга нисбатан антимикробиял таъсир кўрсатганлиги исботланган. А.А. Сорокина (2010), А.В. Яницкая, И.В. Землянская (2012), А.М. Гурьев, Л.Г. Соснина (2014), И.Ш. Янтурин, А.А. Аминева (2013), В.Н. Бубенчикова, А.В. Азарова (2014), С.И. Кориняк (2016), Ж.М. Дергачёва (2018), А.Я. Тамахина, Ж.Р. Локьяева (2017), В.В. Чумакова, В.Ф. Чумаков (2017), Ю.В. Гудовских, Н.Ю. Егорова (2017) ва бошқаларнинг ишларида *Inula* туркумига мансуб турларнинг дориворлик хусусиятлари ва улардаги биологик фаол моддалар инсон организмида мавжуд касалликларнинг олдини олиш ва даволашдаги хусусиятлари бўйича тадқиқот маълумотлари келтирилган. И.Ю. Митрофанова (2012) *I. salicina* турини маданийлаштириш борасидаги тавсияларни ишлаб чиқиш зарурлиги, И.О. Баитулин (2005) *Inula helenium* турининг фитоценоздаги аҳамияти, Н.М. Найда (2014), Е.Ю. Хабалтуев (2006) биоморфологияси бўйича ишларни амалга оширишган.

Ўзбекистон Республикаси флорасида мавжуд доривор ўсимликлардан халқ хўжалигида фойдаланиш соҳасида ҳам тадқиқотлар олиб борилган жумладан: Ҳ.Х. Холматов, З.Ҳ. Ҳабибов (1976) баланд бўйли андиз илдизпоясининг таркибида эфир мойлари, сапонинлар, смола, шилимшиқ ва аччиқ моддалар, алантолактонлар, изоалантолактонлар, фитомилан ва бошқа ацетилен бирикмалари, инулин ва псевдоинулин учраши тўғрисида маълумотларни келтиришган. Қ. Ҳожиматов, М. Оллоёров (1988), И.

Тўхтасинов (1992), А.И. Қосимов (1994), П.К. Алимбаева, М.О. Каррыев (1984), Ў.П. Пратов, М.Н. Маҳсумов (2006), А. Сатторов (2016), А.Ю. Ибрагимов (2016) ва бошқаларнинг тадқиқотларида ҳам баланд бўйли андизнинг ареали, кимёвий таркиби, табобатда ва замонавий тиббиётда ишлатилиши бўйича салмоқли ишлар амалга оширилган.

Илмий адабиётларда *Inula helenium* ва *Inula salicina* турларининг Тошкент адирлари шароитида биоэкологияси, морфологияси, вегетатив органларининг анатомик тузилиши, сув режими, кўпайтириш усуллари ва биомассаси тўғрисида маълумотлар мавжуд эмас. Шу боисдан *Inula* туркуми айрим истикболли доривор турларининг биоэкологик хусусиятларини ўрганиш, вегетатив органларининг анатомик тузилиши орқали биологик фаол моддалар мавжудлигини кўрсатувчи диагностик белгиларини аниқлаш ва биомассасини ўрганиш илмий-амалий аҳамият касб этади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ “Ўзбекистоннинг қурғоқчил шароитига, тупроқ деградациясига ва шўрланишига, атмосфера ҳавоси ифлосланишига ўсимликларнинг мослашишини ўрганиш ҳамда истикболли шифобахш, эфирмойли ўсимликлар биоэкологиясини илмий асослаш” мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади интродукция шароитида *Inula helenium* ва *Inula salicina* ларнинг биоэкологик хусусиятларини аниқлаш ва амалиётда кўпайтиришга тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ўсимлик турларининг биоморфологик ва биоэкологик хусусиятларини онтогенезнинг асосий давр ва босқичларида ўрганиш;

гуллаш биологиясини экологик омилларга боғлиқ ҳолда кузатиш;

ўсимликлар сув режимининг асосий кўрсаткичлари (ассимиляцияловчи органлардаги сувни сақлаш хусусияти, сув микдори, транспирация жадаллиги, ўсимлик ҳужайра ширасининг осмотик босими)ни ўрганиш;

турларнинг сув режими кўрсаткичларини корреляцион таҳлил қилиш ва толерантлик диапазонини аниқлаш ҳамда интродукция шароитига мослашиш хусусиятларини илмий асослаш;

ўсимликлар вегетатив органларининг анатомик тузилишини ўрганиш ҳамда биологик фаол моддаларнинг локализациясини аниқлаш;

ўсимликларнинг ер ости ва ер усти биомассасини аниқлаш;

ўсимликларни амалиётда кўпайтиришга оид тавсиялар беришдан иборат.

Тадқиқотнинг объекти сифатида *Inula helenium* – Баланд бўйли андиз ва *Inula salicina* – Толбарг андиз турлари олинган.

Тадқиқотнинг предметини Ўзбекистон миллий университети Ботаника боғи шароитида *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг морфологияси, фенологияси, биологияси, экологияси, физиологияси (сув режими) ва анатомияси ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда лаборатория ва дала тажрибалари, биоморфологик, анатомик, экологик, физиологик ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон Миллий университети Ботаника боғи шароитида *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг биоморфологик, биоэкологик, физиологик (сув режими) кўрсаткичлари илмий асосланган ва анатомик диагностик белгилари аниқланиб, структуравий хусусиятлари очиқ берилган;

интродукция шароитида *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг потенциал ва ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги аниқланган;

ўсимликларнинг ушбу муҳитга мослашиш хусусиятлари сув режимини айрим кўрсаткичларининг таҳлиллари асосида аниқланган ва барг анатомик тузилишининг диагностик белгилари асосида тасдиқланган;

турлар вегетатив органлари анатомик тузилишининг таҳлили асосида биологик фаол моддалар барг мезофили сут йўлларида, илдизида эса кўп сонли схизоген ва лизиген ажратма каналларида ва иккиламчи пустлоқ паренхимасида мавжудлиги бўйича диагностик белгилари ажратилган;

интродукция шароитида ўсимликларнинг ер остки ва ер устки биомассаси аниқланган;

турларни биоморфологик хусусиятлари асосида генератив ва вегетатив йўл билан амалиётда кўпайтиришга тавсиялар берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

I. helenium ва *I. salicina* ларнинг интродукция шароитида кўпайтириш ва етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган;

истикболли доривор *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг *ex-situ* шароитида коллекцияси яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги таҳлилларнинг бир-бирини тўлдирувчи биоморфологик, анатомик, физиологик, экологик усуллардан фойдаланиш орқали амалга оширилганлиги ва сув режими кўрсаткичларининг корреляцион таҳлил этилганлиги билан тасдиқланади. Тадқиқотларнинг натижалари республика ва халқаро миқёсда ўтказилган илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, Олий аттестация комиссияси рўйхатига кирган етакчи илмий нашрларда чоп этилганлиги, диссертация тадқиқотининг амалий натижалари ваколатли давлат тузилмалари томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти интродукция шароитида илк бор *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг сув режими (баргларида сувни сақлаш хусусияти, транспирация жадаллиги, хужайра ширасининг осмотик босими, сув миқдори) кўрсаткичлари корреляцион таҳлил қилингани ҳамда вегетатив органларининг анатомик тузилиши асосида биологик фаол моддаларнинг локализацияси диагностик белгилари аниқлангани, турларни генератив ва вегетатив усулларда кўпайтириш асосида ўсимликларнинг ер устки ҳамда ер остки органларининг биомассасини олишга эришилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фармацевтика учун зарур доривор ўсимликлардан интродукция шароитида етиштирилган хом-ашёсидан фойдаланиш, бу борада *I. helenium* – Баланд бўйли андиз ва *I. salicina* – Толбарг андиз ўсимликларини етиштириш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. *Inula* туркумига мансуб истиқболли шифобахш ўсимликларнинг биоэкологияси бўйича олинган натижалар асосида:

I. helenium ва *I. salicina* ларни интродукция шароитида етиштириш бўйича тавсиялар Қашқадарё вилояти Қамаш тумани Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш бошқармаси тажриба майдонларида экиш амалиётига жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2020 йил 28 сентябрдаги 02-02/8-2189-сон маълумотномаси). Натижада, баланд бўйли андиз ва толбарг андиздан сифатли илдиз ва илдизпоя хом-ашёси олиш имкони яратилган.

I. helenium ва *I. salicina* ларни етиштириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар Қашқадарё вилояти Яккабоғ тумани ўрмон хўжалиги тасарруфидаги майдонларга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Ўрмон хўжалиги давлат қўмитасининг 2020 йил 18-сентябр № 02/21-2514 сонли маълумотномаси). Натижада, ўрмон хўжалиги ерларида *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг оналик плантацияларини ташкил этиш ва турлар популяцияларини муҳофаза қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган. Улардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 6 мақола, улардан 5 таси республика ва 1 таси хорижий илмий журналларда нашр қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, олти боб, хулосалар, тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 111 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг “*Inula L.* туркумига мансуб турларнинг тарқалиши ва таботатда ишлатилиши” деб номланган биринчи бобининг биринчи бўлимида Ўзбекистонда учрайдиган *Inula* туркуми турларининг тарқалиши келтирилган. Мазкур бобнинг иккинчи бўлимида андиз туркуми турларининг халқ таботатида ва замонавий тиббиётда ишлатилиши адабиётлар таҳлили асосида ёритилган. Унда Ўзбекистон, МДХ ва дунёнинг бошқа мамлакатларида андиз туркуми турларидан шифобахш ўсимликлар сифатида фойдаланиш борасидаги тадқиқотлар натижалари батафсил ёритилган.

Диссертациянинг “Тадқиқот объектлари ва усуллари, тадқиқот олиб борилган ҳудуднинг иқлими” деб номланган иккинчи бобининг биринчи ва иккинчи бўлимида тадқиқот объектлари ва усуллари батафсил келтирилган. Учинчи бўлимида эса илмий-тадқиқотлар амалга оширилган ЎЗМУ Ботаника боғининг географик жихатдан жойлашган ўрни, тупроғи, иқлим шароитлари, ёғин миқдори, ҳавонинг ҳарорати кўрсаткичлари Ўзгидромет Тошкент метеостанцияси маълумотлари ва бошқа адабиёт манбалари асосида тавсифланган.

Диссертациянинг “*Inula helenium* ва *Inula salicina* нинг интродукция шароитида биоэкологияси” деб номланган учинчи бобининг биринчи ҳамда иккинчи бўлимида *Inula helenium* ва *Inula salicina* нинг лаборатория шароитида уруғларининг унувчанлиги, (2017-2019 йй.) вегетацияси давомида онтогенез даврлари, ўсиши ва ривожланиши ўрганилган (1,2-расмлар).



1-расм. *Inula helenium* нинг онтогенез давр ва босқичларидаги ташқи кўриниши.

2-расм. *Inula salicina* нинг онтогенез давр ва босқичларидаги ташқи кўриниши.

Латент даври. *I. helenium* нинг уруғи чўзиқ-қовурғасимон, призматик – тўртқиррали, силлиқ, кўнғир бўлиб, уруғнинг узунлиги 6-8 мм, эни 0,5 мм, унинг попуғи оқиш-жигарранг бўлиб, уруғнинг узунлигидан икки-уч баробар

узун, кўпсонли туклари мавжуд бўлиб, 1000 дона уруғнинг оғирлиги 1,8-2,0 г ни ташкил этади. *I. salicina* нинг уруғи силлик, юпқа-қовурғасимон, оқ-кўнғир бўлиб, уруғнинг узунлиги 0,25-0,35 см, эни 1,5 мм, унинг попуги оқ рангли бўлиб, кўпсонли туклари мавжуд, 1000 дона уруғнинг оғирлиги 0,8-1,0 г ни ташкил этади.

Е.Ю.Хабалтуев (2006) келтиришича турли экологик шароитларда, жумладан: Жанубий Қозоғистонда 1000 дона уруғнинг массаси 1,46-1,50 г, Жанубий Томск вилоятида 1,2-1,7 г, Украинада 1,5-1,7 г ни ташкил этиши бевосита географик мезон уруғларнинг миқдорий сифат кўрсаткичларини белгилаб беришда муҳим эканлигини кўрсатади.

Виргинил даврининг майсалик босқичи (p). Н.М.Найда (2014) маълумотлари бўйича Ленинград шароитида *I. helenium* уруғлари экилгандан сўнг майсалари июль ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида униб чиқиши кузатилган.

Тадқиқотларимизда ўсимликларнинг майсалари экологик шароитларга боғлиқ ҳолда турли муддатларда униб чиқди. Бунинг натижасида ўсимликнинг ташқи кўриниши, ўсиш жараёни ва органогенези ўзгарди. *I. helenium* ва *I. salicina* ўсимликларининг уруғлари ноябрь ва февраль ойларининг охирларида экилган бўлиб, майсалари март ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида униб чиқиши кузатилди. Эрта баҳорда экилган уруғлар кузда экилган уруғларга нисбатан унувчанлигининг юқорилиги *I. helenium* (35 %) ва *I. salicina* (75 %) аниқланди. *I. helenium* ва *I. salicina* уруғларининг лаборатория шароитида +15, +20, +25 °С ли ҳароратда Петри косачасида уруғ унувчанлиги ўрганилди. *I. helenium* уруғлари +15 °С ли ҳароратда 18 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги 22±0,21 % ни, +20 °С ли ҳароратда эса 12 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги эса 35±0,36 % ни, +25 °С ли ҳароратда эса 14 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги эса 74±0,85 % ни ташкил этди. *I. salicina* уруғлари +15 °С ли ҳароратда 17 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги 43,0±0,44 % ни, +20 °С ли ҳароратда эса 11 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги эса 83,0±0,86 % ни, +25 °С ли ҳароратда эса 10 кунда униб чиқиб, уруғларнинг унувчанлиги 90,0±0,97 % ни ташкил этди. *I. helenium* ва *I. salicina* уруғларининг лаборатория шароитида +25 °С да уруғлари унувчанлигининг юқорилиги ҳамда оптимал ҳарорат эканлиги аниқланди.

Ювениль босқичида (j) *I. helenium* нинг биринчи тартибли тўпбарги март ойининг учинчи ва апрель ойининг биринчи декадаларида шаклланди. Мазкур босқич *I. salicina* да март ойининг иккинчи ва учинчи декадаларида шаклланди. Асосий илдиз эса ўсишда давом этиб, ундан ён илдизлар ҳосил бўла бошлади. Асосий илдизнинг узунлиги *I. helenium* да 4,0-4,5 см, *I. salicina* да эса 6,5-7,1 см, ён илдизнинг узунлиги *I. helenium* да 0,7-1,1 см, *I. salicina* да эса 0,5-0,7 см га етади. Ювениль босқичи *I. helenium* да 25-30 кун, *I. salicina* да эса 15-20 кун давом этди.

Биринчи ҳақиқий барг ҳар иккала шароитда (Ленинград ва Тошкент) барг банди жуда қисқа, барг пластинкасининг узунлиги фарқли равишда -1,5-0,5 см. га узунроқ, яъни - 4,5-5,0 см, эни 1,0-1,5 см гача етади. Иккинчи

хақиқий баргларнинг ҳар иккала шароитда ҳам икки ҳафта давомида шаклланиши кузатилди.

Имматур босқичи (im) *I. helenium* да май ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида, *I. salicina* да апрель ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида кузатилди. *I. helenium* нинг тўпбарг новдасида 4-6 тагача барглар шаклланиши, *I. salicina* да 10-16 тагача барглар шаклланиши билан характерланади. Мазкур босқичнинг асосий ҳаётий ҳолати илдизпоя шаклланишининг бошланиши билан характерлидир. Имматур босқичи *I. helenium* да 25-30 кунни, *I. salicina* да 15-20 кунни ташкил этди.

Ленинград шароитида 20-35 кундан кейин кузатилган бўлса, бизнинг шароитда фарқли равишда ушбу босқич 40-50 кундан кейин, яъни май ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида кузатилди ва 15-25 кунга фарқ қилиши қайд этилди.

Виргинил босқичи (v) *I. helenium* да июнь ойининг биринчи ва иккинчи декадаларига тўғри келди, *I. salicina* да эса май ойининг биринчи ва иккинчи декадаларида кузатилди. *I. helenium* да тўпбаргли новдаларда 5-10 та барглар, *I. salicina* да эса 20-25 та барглари ҳосил бўлиши кузатилди. *I. helenium* да баргларининг узунлиги 45-50 см, барг бандларинг узунлиги 10-12 см, *I. salicina* да эса барг узунлиги 5-10 см, эни 1-2 см га етади. *I. helenium* да асосий илдизнинг узунлиги ўртача 15-25 см гача етганлиги, *I. salicina* да эса 15-18 см гача етади. *I. helenium* да виргинил даврининг виргинил босқичи биринчи йили генератив босқичга ўтмаганлиги сабабли 185-190 кун давом этганлиги, вегетациянинг иккинчи йилида ўсимликнинг виргинил босқичи 45-55 кун давом этиши кузатилди. *I. salicina* да виргинил босқичи 15-20 кун давом этди.

Виргинил давр Ленинград шароитида биринчи йили вегетациясининг охирларида кузатилган бўлса, бизнинг шароитда ҳарорат омилига боғлиқ равишда биринчи йили (2017) июнь ойининг биринчи ва иккинчи декадаларига тўғри келди. Вегетациянинг иккинчи йилида ўсимликнинг виргинил босқичи 20-30 кун давом этиб, май ойининг биринчи декадасида куртаклар очила бошлади ва тўпбарг новдаси шаклланди.

Генератив даврнинг ёш генератив босқичи (g) – *I. helenium* ва *I. salicina* лари терминал ва ён куртакларидан тик ўсувчи генератив новдаларининг ўсиши билан изоҳланади. Мазкур босқич *I. helenium* да май ойининг иккинчи декадасида кузатилди. Гуллаш давридаги *I. helenium* нинг бўйи 130-150 см гача, *I. salicina* эса 45-50 см га етади. Ғунчалаш босқичи *I. helenium* да май ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, август ойининг биринчи декадасига қадар давом этди, *I. salicina* да ғунчалаш босқичи май ойининг учинчи, июнь ойининг биринчи декадасидан бошланиб, август ойининг биринчи декадасига қадар давом этди. *I. helenium* да гуллаш босқичи июнь ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, август ойининг учинчи декадасига қадар давом этди, *I. salicina* да эса июнь ойининг учинчи декадасида бошланиб, август ойининг учинчи декадасига қадар давом этди. Ҳар иккала турда ҳам генератив новдалардаги саватчаларнинг гуллаши

базипетал типда бўлиб, гуллари юқоридан пастга қараб очилади. Генератив новдадаги иккинчи тартибли саватчалар қанчалик пастроқ жойлашган бўлса, улар шунчалик кеч гуллайди ва шунга мос равишда мева ва уруғлар ҳосил қилади. *I. helenium* да уруғлаш босқичи июль ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, октябрь ойининг учинчи декадасигача давом этди, *I. salicina* да эса июль ойининг учинчи декадасидан бошланиб, октябрь ойининг иккинчи ва учинчи декадаларига қадар давом этиши аниқланди. Ушбу шароитда марказий, устки ва остки саватчалар гуллаб сифатли уруғлар ҳосил қилади.

Мазкур босқичда Ленинград шароитида ўсимликларнинг бўйи 150-165 см гача етган бўлса, бизнинг шароитда 130-150 см гача етганлиги қайд этилди. Ленинград шароитида ғунчалаш босқичи июль ойининг биринчи декадасидан бошланиб, учинчи декадасигача давом этиши аниқланган, гуллаш босқичи бир ой давом этганлиги кузатилган бўлса, бизнинг шароитда ғунчалаш босқичи май ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, август ойининг биринчи декадасигача гуллаш босқичи эса, июнь ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, август ойининг учинчи декадасига қадар давом этиши қайд этилди. Генератив новдалардаги саватчаларнинг гуллаши ҳар иккала шароитда ҳам базипетал типда бўлиб, гуллари юқоридан пастга қараб очилиши аниқланган. Ёш генератив ўсимликларнинг илдиз тизими ҳар иккала шароитда йўғонлашганлиги ҳамда каудекснинг диаметри ўртача 4-8 см га етиши аниқланди, кузда эса уларда 4-6 тадан янгилашиш куртаклари ҳосил бўлиши кузатилди.

Ёш генератив босқичи (g₁) *I. helenium* ва *I. salicina* да вегетациянинг учинчи (2019) йилда генератив даврнинг ёш генератив босқичида ўсимлик тана тузилишининг жуда ҳам етуклашиб ўзгарганлиги кузатилди. Бу босқичда ўсимликлар новдаларининг бўйи ўртача 150-175 см, максимал 220 см га етганлиги, барг ва саватчалар сонининг ортганлиги, ҳамда ер устки ва ер остки органлар ҳосилдорлигининг юқорилиги аниқланди. *I. helenium* тўпбарг илдизи ёнида жойлашган катта барг пластинкасининг узунлиги 45-50 см, эни 25-30 см, барг бандининг узунлиги эса 16-20 см ни ташкил этади. Энг кичик барг пластинкасининг узунлиги 18-20 см, эни 11-14 см, барг бандининг узунлиги эса 12-14 см ни ташкил этди. Ғунчалаш босқичи май ойининг учинчи декадасидан бошланиб, август ойининг биринчи декадасигача давом этди. Гуллаш босқичи эса июнь ойининг учинчи декадасида бошланиб, август ойининг учинчи декадасига қадар давом этди. Уруғлаш босқичи июль ойининг иккинчи декадасидан бошланиб, октябрь ойининг учинчи декадасигача давом этди. Генератив давр 176-180 кун давом этган.

I. helenium вегетациясининг учинчи йилида ҳар иккала шароитда ҳам максимал биомассаси кузатилди.

Ушбу босқич *I. salicina* да вегетациянинг иккинчи ва учинчи йилда кузатилди. Поядаги барглар бандсиз, пояда ўтроқ ҳолда бўлиб, навбатма-навбат жойлашган. Етук баргларнинг узунлиги 8-12 см, эни 1-2 см ни ташкил этди. Ғунчалаш босқичи вегетациясининг учинчи йилида май ойининг учинчи декадасидан бошланиб, август ойининг биринчи декадасигача давом

этди. Гуллаш босқичи эса июнь ойининг учинчи декадасида бошланиб, август ойининг учинчи декадасига қадар давом этди. Уруғлаш босқичи июль ойининг учинчи декадасидан бошланиб, сентябрь ойининг биринчи декадасигача давом этди. Генератив давр ўсимликларда 145-148 кун давом этди (2 - расм).

Бобнинг учинчи бўлимида *I. helenium* нинг умумий вегетация даври 2017 йилда 240-245 кунни, 2018-2019 йилларида генератив давр – ғунчалаш, гуллаш, уруғлаш босқичлари кузатилиб 259-275 кунни ташкил этганлиги кўрсатилган. *I. salicina* нинг умумий вегетация даври 2017 йилда 210-214 кунни, 2018-2019 йилларида 234-254 кунни ташкил этганлиги қайд этилди.

Бобнинг тўртинчи бўлимида *I. helenium* ва *I. salicina* ларда гуллаш биологиясининг экологик омилларга боғлиқ ҳолда олинган илмий натижалари ёритилган. *I. helenium*, *I. salicina* ларнинг гуллаш биологияси бўйича олинган натижалар қиёсий таҳлил қилинганда, *I. helenium* да бир гулнинг гуллаши 5-8 кунни, пояда жойлашган барча саватчаларнинг гуллаши ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ равишда 75-80 кун давом этиши аниқланди. *I. salicina* да эса бир гулнинг гуллаши 4-6 кунни, пояда жойлашган барча саватчаларнинг гуллаши ҳаво ҳарорати ва ҳавонинг нисбий намлигига боғлиқ ҳолда 69-71 кун давом этиши аниқланди. Ўсимлик гулларининг чангланиши четдан чангланиш типига кириб, асалари ва пахмоқ арилар, капалак турлари ёрдамида кечиши кузатилди. Интродукция шароитида турларнинг мавсумий гуллаш даври (2017-2019 йй.) қуйидаги жадвалда акс этирилган.

1-жадвал

Интродукция шароитида *Inula helenium* ва *Inula salicina* ларнинг мавсумий гуллаш даври (2017-2019 йй.)


Турлар	Кузатилган йиллар	Гуллаш жараёни			Гуллаш давомийлиги, кун
		бошланиш даври	ялпи гуллаш даври	яқуний даври	
<i>I. helenium</i>	2017	–	–	–	–
	2018	11.06.	16.07.–23.07.	28.08.	80
	2019	10.06.	22.07.–28.07.	27.08.	80
<i>I. salicina</i>	2017	22.06.	18.07.–26.07.	30.08.	70
	2018	20.06.	18.07.–25.07.	29.08.	71
	2019	21.06.	19.07.–29.07.	28.08.	69

Бобнинг бешинчи бўлимида турларнинг потенциал ва ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги бўйича олинган натижалар баён қилинган. *I. helenium* да 2019 йилда потенциал уруғ маҳсулдорлиги – $1238 \pm 0,73$ та, *I. salicina* да эса $21 \pm 0,36$ тани ташкил этган. Ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги мос равишда – $517 \pm 0,62$ – $16 \pm 0,48$ та эканлиги қайд этилди. *I. salicina* да потенциал уруғ маҳсулдорлиги *I. helenium* га нисбатан паст бўлишига қарамадан маҳсулдорлик коэффиценти юқорилиги билан тавсифланади (2-жадвал).

**Интродукция шароитида *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг
ПУМ ва ХУМ кўрсаткичлари (2017-2019 йй.)**


Турлар	Кузатилган йиллар	ПУМ	ХУМ	Маҳсулдорлик коэффеценти, (Мк)
<i>Inula helenium</i>	2017	-	-	-
	2018	1238±0,73	440±0,38	0,35±0,46
	2019	1478±0,86	517±0,62	0,34±0,48
<i>Inula salicina</i>	2017	12±0,58	8,0±0,74	0,66±0,54
	2018	17±0,42	11±0,64	0,64±0,52
	2019	21±0,36	16±0,48	0,76±0,68

Диссертациянинг «*Inula helenium* ва *Inula salicina* нинг сув режими» деб номланган тўртинчи бобида тадқиқот йиллари давомида экологик омилларга (тупроқ намлиги, ҳаво ҳарорати, ёғин миқдори, тупроқ ҳарорати) боғлиқ ҳолда сув режимининг асосий кўрсаткичлари – сув миқдори, транспирация жадаллиги, баргда сувни сақлаш хусусияти, ҳужайра ширасининг осмотик босими мавсум давомида ўрганилган ва корреляцион таҳлил қилинган. Ўсимлик ҳужайра ширасининг осмотик босими турларнинг интродукция муҳитига мослашиш хусусиятларини белгиловчи асосий кўрсаткичлардан бири ҳисобланади. Ёз фаслида ёғин миқдорининг камайиши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши, тупроқ намлигининг камайиши ва тупроқ ҳароратининг ортиб бориши билан *I. helenium* ва *I. salicina* ларда сув миқдорининг камайиши ва осмотик босимнинг ошиши аниқланди (3,4-расмлар).



Ҳужайра ширасининг осмотик босими биринчи (2017) йили *I. helenium* да энг паст кўрсаткич апрель ойида $19 \pm 0,57$ атм., максимал даража август

ойида $28 \pm 0,57$ атм., мавсум давомидаги диапазон 9 атм. эканлиги, *I. salicina* да эса энг паст кўрсаткич апрель ойида $17 \pm 0,57$ атм., максимал даража август ойида $27 \pm 0,57$ атм., мавсум давомидаги диапазон 10 атм. эканлиги аниқланди. Вегетация даврининг иккинчи (2018) йили *I. helenium* да энг паст осмотик босим апрель ойида $18 \pm 0,88$ атм., максимал даража август ойида $28 \pm 0,33$ атм., мавсум давомидаги диапазон 10 атм. эканлиги, *I. salicina* да эса энг паст осмотик босим апрель ойида $17 \pm 0,33$ атм., максимал даража июль-август ойларида $26 \pm 0,57$ атм., мавсум давомидаги диапазон 9 атм. эканлиги аниқланди. *I. helenium* да вегетация даврининг учинчи (2019) йилида энг паст осмотик босим апрель ойида $17 \pm 0,57$ атм., максимал даража август ойида $31 \pm 0,33$ атм. мавсум давомидаги диапазон 14 атм. эканлиги, *I. salicina* да эса энг паст осмотик босим апрель ойида $16 \pm 0,57$ атм., максимал даража август ойида $27 \pm 0,33$ атм. мавсум давомидаги диапазон 11 атм. эканлиги аниқланди. *I. helenium* да 2017-2019-йиллар вегетацияси давомидаги сув режими кўрсаткичлари корреляцион таҳлил қилинган (5-расм).



5-расм. Корреляцион таҳлил.

а) *I. helenium* 2017 й. б) *I. salicina* 2017 й. в) *I. helenium* 2018 й.
г) *I. salicina* 2018 й. д) *I. helenium* 2019 й. е) *I. salicina* 2019 й.

Сувни сақлаш хусусияти ва осмотик босим ўртасида – 2017-2018 йилларда (– 0,8) – юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. 2019 йилда сувни сақлаш хусусияти ва осмотик босим ўртасида (– 0,9) – энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди.

Толбарг андизнинг вегетацияси давомидаги сув режими кўрсаткичлари таҳлил қилинганда, сув миқдори ва хужайра ширасининг осмотик босим ўртасида 2017-йилда (–0,6) – сезиларли акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. Сувни сақлаш хусусияти ва осмотик босим (2018-йил) ўртасида (– 0,7) – юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. 2019-йилда эса сув миқдори ва хужайра ширасининг осмотик босими (– 0,9) – энг юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги ҳамда сувни сақлаш хусусияти ва хужайра ширасининг осмотик босими кўрсаткичлари ўртасида (– 0,8) – юқори акс бир-бирига нисбатан боғланиш мавжудлиги аниқланди. Сув режими кўрсаткичлари асосида ўрганилган *Inula* турлари мезофитлар типининг ксеромезофит гуруҳига кириши исботланди.

Диссертациянинг “*Inula helenium* ва *Inula salicina* вегетатив органларининг анатомик тузилиши” деб номланган бешинчи боби икки бўлимдан иборат. Бобнинг биринчи бўлимида *I. helenium* ва *I. salicina* баргининг анатомик тузилиши баён қилинган. *I. helenium* ва *I. salicina* барглари тузилиши анатомик жиҳатдан таҳлил қилинганда, барг мезофилини дорсивентрал типлиги, улардаги биологик фаол моддалар барг мезофили ва сут йўлларида эпидерма хужайраларида жойлашганлиги аниқланди. *I. helenium* ва *I. salicina* нинг курғоқчил шароитга мослашганлиги ушбу ўсимликлар барглариининг анатомик тузилишида бир қатор фарқлар мавжуд эканлиги билан изоҳланади. Жумладан: *I. helenium* да барг остки эпидерма хужайраларида кўп хужайрали трихомаларнинг мавжудлиги, бу эса ўз навбатида, баргнинг остки қисмидан сувни кам буғланиши, яъни транспирация секин кетишини таъминлайди. *I. salicina* ўз навбатида *I. helenium* га нисбатан барг эпидермасининг остки қисмида аномоцит, гемипарацит типли барг оғизчаларининг кўп сонлиги, баргнинг устки қисмида эса кам сонлиги билан фарқланиб, бу эса транспирациянинг жадал равишда амалга ошишига асос бўлади.

Бобнинг иккинчи бўлимида *I. helenium* ва *I. salicina* илдизининг анатомик тузилиши асосида ҳар бир тур учун ўзига хос диагностик белгилар келтирилган. *I. helenium* ва *I. salicina* лар анатомик жиҳатдан таҳлил қилинганда илдизнинг боғламсиз полярх типли эканлиги аниқланди. *I. helenium* да биологик фаол моддалар илдизнинг иккиламчи пўстлоқ паренхимасида, схизоген ва лизиген типли ажратма каналларда, ўзакнинг паренхима хужайраларида, *I. salicina* да эса мазкур биологик фаол моддалар иккиламчи пўстлоқ паренхимасида жойлашганлиги аниқланди. Аниқланган диагностик белгилар турларни фармсаноатда, уларнинг хом-ашёсини идентификациялаш жараёнида фойдаланилади.

Диссертациянинг “*Inula helenium* ва *Inula salicina* ни кўпайтириш усуллари ҳамда интродукцион баҳолаш” деб номланган олтинчи

бобининг биринчи бўлимида *I. helenium* ва *I. salicina* ни етиштиришда қўлланиладиган агротехник тадбирлар ҳамда кўпайтириш усуллари батафсил ёритилган.

Тадқиқот натижаларига кўра, *I. helenium* ва *I. salicina* ларни ЎзМУ Ботаника боғи шароитида экиб кўпайтиришда юқори ҳосилдорлик олиш мумкин эканлиги аниқланди. *I. helenium* асосан икки хил усул билан (уруғидан ҳамда илдизпоялари орқали) кўпайтирилади. *I. salicina* эса асосан уруғи орқали кўпайтирилади.

Уруғдан экилган *I. helenium* нинг (2017) биринчи вегетация йилида ҳосилдорлиги (қуруқ масса) 13,1 ц/га ни ташкил этди. *I. salicina* да ҳосилдорлиги (қуруқ масса) 2,5 ц/га ни ташкил этди. *I. helenium* вегетация даврининг иккинчи (2018) йилида қуруқ биомасса 101,3 ц/га эканлиги қайд этилган бўлса, *I. salicina* да ҳосилдорлиги (қуруқ масса) 29,3 ц/га ни ташкил этди. *I. helenium* вегетация даврининг учинчи (2019) йилида қуруқ биомасса 132,5 ц/га эканлиги қайд этилган бўлса, *I. salicina* да ҳосилдорлиги (қуруқ масса) 34,3 ц/га ни ташкил этди (3-жадвал). Вегетатив усул ёрдамида кўпайтирилган *I. helenium* нинг (2019) вегетация йилидаги биомассаси 262,1 ц/га ни ташкил этди.

3-жадвал

I. helenium (35 % унувчанлиги) ва *I. salicina* (75 % унувчанлиги) ларнинг 2017-2019 – вегетация йилларидаги биомассаси, ц/га

Вегетация йили	Кўрсаткичлар	Тур номи:		
		<i>I. helenium</i>	<i>I. salicina</i>	
2017 й. 1	умумий вазни	43,9 ц/га	8,4 ц/га	хўл вазни
	ер устки қисми	35,5 ц/га	6,4 ц/га	
	ер остки қисми	8,34 ц/га	2,0 ц/га	
	умумий вазни	13,1 ц/га	2,5 ц/га	қуруқ вазни
	ер устки қисми	8,81 ц/га	1,5 ц/га	
	ер остки қисми	4,36 ц/га	1,0 ц/га	
2018 й. 2	умумий вазни	348,8 ц/га	103,0 ц/га	хўл вазни
	ер устки қисми	268,6 ц/га	61,8 ц/га	
	ер остки қисми	79,6 ц/га	41,2 ц/га	
	умумий вазни	101,3 ц/га	29,3 ц/га	қуруқ вазни
	ер устки қисми	60,8 ц/га	17,6 ц/га	
	ер остки қисми	40,5 ц/га	11,7 ц/га	
2019 й. 3	умумий вазни	457,3 ц/га	118,5 ц/га	хўл вазни
	ер устки қисми	347,4 ц/га	71,2 ц/га	
	ер остки қисми	109,8 ц/га	47,3 ц/га	
	умумий вазни	132,5 ц/га	34,3 ц/га	қуруқ вазни
	ер устки қисми	79,5 ц/га	20,4 ц/га	
	ер остки қисми	53,0 ц/га	13,9 ц/га	

Олинган натижалар асосида турларнинг қимматли хом-ашё базасини яратиш ва халқ хўжалигининг ушбу доривор ўсимликларга бўлган талабини sanoat миқёсида қондириш мумкинлиги қайд этилди.

Бобнинг иккинчи бўлимида ўсимликлар интродукцион баҳоланган *I. helenium* ва *I. salicina* ларнинг интродукция шароитига ва экологик омилларга мослашиш хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда, И.В. Белолипов (1976) томонидан ишлаб чиқилган интродукцион баҳолаш шкаласи асосида 8 балл билан баҳоланди. Бу эса ўрганилган турларнинг интродукция шароитига муваффақиятли мослаша олганлигини кўрсатади.

ХУЛОСАЛАР

«Интродукция шароитида *Inula helenium* L. ва *Inula salicina* L. турларининг биоэкологияси» мавзусидаги диссертация бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижаларидан қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. *Inula* L. туркумига мансуб икки турларнинг биоэкологиясини ўрганиш уларнинг ўзига хос хусусияларга эга эканлигини кўрсатди. *I. helenium* уруғларининг унувчанлиги лаборатория шароитида 14 кунда – 74 %, *I. salicina* да эса 10 кунда – 90 % униб чиқиб, оптимал ҳарорат +25 °С эканлиги аниқланди. Дала шароитида эса *I. helenium* уруғининг унувчанлиги – 35 % ни, *I. salicina* да эса – 75 % ни ташкил этди.

2. Ўсимликларнинг кун давомидаги максимал гуллаши соат 9³⁰-10³⁰ оралигида, ҳавонинг ҳарорати +28-33 °С бўлганда кузатилди. Бир гулнинг гуллаши *I. helenium* да 5-8 кунни, *I. salicina* да эса 4-6 кунни, поядаги барча саватчаларнинг гуллаши *I. helenium* да 75-80 кун ва *I. salicina* да эса 69-71 кунни ташкил этиши аниқланди.

3. *I. helenium* нинг гул саватчасида уруғлар сони вегетациянинг учинчи йилида максимал даражада кузатилиб, потенциал уруғ маҳсулдорлиги 1478±0,86 тани, ҳақиқий уруғ маҳсулдорлиги эса 517±0,62 тани, *I. salicina* да эса мос равишда 21±0,36 - 16±0,48 тани ташкил этди. Уруғ маҳсулдорлиги коэффициенти *I. helenium* да – 0,35, *I. salicina* да эса иккинчи турга нисбатан юқорилиги – 0,76 эканлиги аниқланди.

4. *I. helenium* да сувни сақлаш хусусияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими ўртасида, *I. salicina* да сув миқдори ва ҳужайра ширасининг осмотик босими ўртасида ҳамда сувни сақлаш хусусияти ва ҳужайра ширасининг осмотик босими ўртасида тескари корреляция мавжудлиги аниқланди. Сув муҳитига мослашиши бўйича турлар мезофитлар типининг ксеромезофитлар гуруҳига киритилди.

5. *I. helenium* ва *I. salicina* ларда барг мезофилининг дорсивентрал типлиги аниқланиб, *I. helenium* барг остки эпидерма ҳужайраларида кўп ҳужайрали трихомаларнинг мавжудлиги сувни кам буғланишини (транспирация) таъминлайди. *I. salicina* да эса баргнинг остки эпидерма ҳужайраларида барг оғизчаларининг кўп сонлиги ва трихомаларнинг мавжуд эмаслиги транспирация жараёнини интенсив равишда амалга ошишига олиб келади.

6. Ўсимликларда барг ва илдизининг анатомик диагностик белгилари ажратилди, шунингдек биологик фаол моддалар барг мезофили сут

йўлларида, илдизида эса кўп сонли схизоген ва лизиген ажратма каналларида ва иккиламчи пўстлоқ паренхимасида мавжудлиги аниқланди.

7. *I. helenium* турининг биомассаси вегетациясининг биринчи йилида - 13,1 ц/га, иккинчи йили - 101,3 ц/га, учинчи йили - 132,5 ц/га, *I. salicina* да эса биринчи йилида - 2,5 ц/га, иккинчи йили - 29,3 ц/га, учинчи йили - 34,3 ц/га ни ташкил этади. Бу эса турларнинг хом ашёсини йиғиб олишда иккинчи ва учинчи йиллар амалга ошириш имкониятига эга эканлигини изоҳлайди.

8. *I. helenium* уруғидан ва илдизпояси орқали, *I. salicina* ни эса уруғидан кўпайтириш мақсадга мувофиқдир. Ўсимликларни етиштириш учун ерни экишга тайёрлаш, уруғларнинг экиш муддатлари, чуқурлиги каби дастлабки агротехник тадбирлар ўрмончилик хўжаликларига тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/27.02.2020.В.01.15 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

КУЧКАРОВ НУРБЕК ЮЛДАШЕВИЧ

**БИОЭКОЛОГИЯ ВИДОВ *INULA HELENIUM L.* И *INULA SALICINA L.*
В УСЛОВИЯХ ИНТРОДУКЦИИ**

03.00.10 – Экология

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
БИОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по биологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2021.2.PhD/В343

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.nsu.uz) и Информационно-образовательном портале "ZiyoNet" (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Рахимова Турахон Узаковна
доктор биологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Сафаров Каримджон Сафарович
доктор биологических наук, профессор

Махмудов Азизбек Валижонович
кандидат биологических наук, старший научный сотрудник

Ведущая организация:

Наманганский государственный университет

Защита диссертации состоится «27» август 2021 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/27.02.2020.B.01.15 при Национальном университете Узбекистана (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, д. 4. Корпус биологического факультета Национального университета Узбекистана, 2-й этаж, комната 203. Тел.: (+99871-246-67-72).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального университета Узбекистана (зарегистрировано под № 69). (Адрес: 100174, г. Ташкент, Алмазарский район, ул. Университетская, д. 4. Тел.: (+99871-246-67-72).

Автореферат диссертации разослан «12» август 2021 года.
(реестр протокола рассылки №4 от «12» август 2021 года)



(Handwritten signatures in blue ink)

Шеримбетов Санжар Гулмирзоевич
Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней д.б.н., профессор.

Аллабердиев Рустамжон Хамраевич
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, к.б.н., доцент

Рахимова Ташханим Туймухамедовна
Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.б.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире наряду с увеличением спроса к химическим лекарственным средствам для профилактики и лечения различных заболеваний также резко увеличивается и потребность к лекарственным растениям. В современной медицине лекарственные растения имеют большое значение, и они по сравнению с химическими лекарственными средствами отличаются положительным воздействием на организм. Сокращение популяций лекарственных растений в природе происходит в результате не нормированного использования естественных зарослей. Естественные запасы лекарственных растений ограничены, вследствие этого их охрана и выращивание в условиях интродукции являются весьма актуальными.

В мире ведутся научно-исследовательские работы, направленные на изучение биологических, экологических, биохимических, анатомических и физиологических особенностей лекарственных растений распространённых в различных экологических условиях. А также изучению их адаптационных свойств лекарственных растений к интродуктивным условиям при глобальных климатических изменениях, происходящих в настоящее время. В этом отношении, при охране лекарственных растений уделяется пристальное внимание выяснению адаптационных свойств перспективных местных видов, произрастающих в различных экологических условиях, разработке методов их возделывания и размножения, и особенно изучению биоэкологических свойств сокращающихся в настоящее время видов лекарственных растений.

В настоящее время ведутся научно-исследовательские работы по охране видов, распространённых во флоре Узбекистана, особенно возделыванию растущих в природе лекарственных растений в условиях интродукции и достигнуты определённые результаты. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан¹ поставлены задачи по «...расширение научно-исследовательских работ по созданию и внедрению в производство новых селекционных сортов сельскохозяйственных культур, устойчивых к болезням и вредителям, адаптированных к местным почвенно-климатическим и экологическим условиям». Исходя из этих задач для размножения перспективных лекарственных растений в условиях Ташкентских адыров, изучение биологических, морфологических, экологических, анатомических и физиологически адапционных свойств имеет важное значение.

Данная диссертационная работа в определенной степени служит выполнению задач предусмотренных Указом Президента Республики Узбекистан №УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021 гг.» от 7 февраля 2017 года, Постановлением Президента Республики Узбекистан № ПП-4670 «О мерах

¹ Указ Президента Республики Узбекистан УП-4947 “О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан” от 7 февраля 2017 года.

по охране, культурному выращиванию, переработке дикорастущих лекарственных растений и рациональному использованию имеющихся ресурсов», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

